

**Ишларни бажариш бўйича  
№ 50/2022-сонли  
ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри.

«27 » декабрь 2022 йил

«ME'YOR-YOQILG'Y» МСНJ, бундан буён ИЖРОЧИ деб аталувчи, Низом асосида ҳаракат қилувчи шахс Директор И.У.Жумаев, бир томондан ва «UZBEKGEOFIZIKA» AJ, бундан буён БУЮРТМАЧИ деб аталувчи, Низом асосида ҳаракат қилувчи шахс Бошқарув раиси Р.А. Юсупжонов, иккинчи томондан, биргаликда ТОМОНЛАР деб аталувчи, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

### **1. Шартнома мөҳияти.**

- 1.1 БУЮРТМАЧИ, ушбу шартнома, техник топшириқ талабларига биноан «Автотранспорт воситалари, маҳсус тёхника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрларини ишлаб чиқиши» мавзуси бўйича ишларни топширади, ИЖРОЧИ эса уларни бажариш ва БУЮРТМАЧИГА ўз вақтида топшириш мажбуритини олади.
- 1.2 БУЮРТМАЧИ бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятига эга.
- 1.3 Ишни бошлаш муддати: аванс тўлови келиб тушган кун.
- 1.4 Ишни тугатиш муддати: иш бошланган кундан бошлаб 50 кун.

### **2. Ишларни бажариш шартлари.**

- 2.1 Ишларнинг мазмуни ва уларни бажариш муддати ушбу шартноманинг ажralmas қисмини ташкил этувчи Календар иш режаси билан белгиланади (2-илова).
- 2.2 Норматив-тадқикот ишларини қабул қилиш ва баҳолаш шартноманинг бир қисми ҳисобланадиган Техник топшириқ талабларига биноан амалга оширилади (1-илова).

### **3.Ишларнинг қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.**

- 3.1 Норматив-тадқикот ишининг нархи:

76 086 957 (етмиш олти миллион саксон олти минг тўккиз юз эллик етти) сўм.

Бундан ташқари, ҚҚС 15 % 11 413 043 (үн бир миллион тўрт юз ўн уч минг қирқ уч) сўм.

Шартнома бўйича жами ҚҚС билан 87 500 000 (саксон етти миллион беш юз минг) сўм.

- 3.2 Норматив-тадқикот ишларнинг нархи бажариш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорига кўра иш ҳақининг, ҳамда материаллар, хизматлар ва норматив-тадқикот ишлари қийматининг ошишини белгилаб берадиган бошқа харажатлар моддаларининг, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра ўзгариши муносабати билан юзага келадиган ИЖРОЧИнинг харажатлари ўзгариши мумкин. Календар иш режасига биноан бажарилиши керак бўлган қисмигина янги индексга қайта ҳисобланиши (аниқлаштирилиши) лозим.

Норматив-тадқикот ишларини бажариш бўйича аниқлаштирилган шартномавий нарх Кўшимча битим тузиш орқали ва унга асослаб берувчи хужжатларни илова қилган ҳолда расмийлаштирилади.

- 3.3 Шартнома расмийлаштирилгандан кейин ўн кунлик муддат ичida Буюртмачи ИЖРОЧИга ишлар қийматининг 15% миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади, ва ушбу сумма 13 125 000 (ўн уч миллион бир юз йигирма беш минг) сўмни ташкил этади.

- 3.4 85% миқдоридаги якуний ҳисоб-китоб эса БУЮРТМАЧИ томонидан бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура имзолангандан сўнг 10 банк куни ичida амалга оширилади.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби. Томонларнинг мажбуриятлари.**

- 4.1 ИЖРОЧИ томонидан БУЮРТМАЧИга алоҳида босқичларда ва шартнома тугагандан сўнг расмийлаштирилиши ва топширилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати Техник топшириқ билан белгиланади.

- 4.2 Алоҳида босқич ёки умуман шартнома бўйича ишлар тугагандан сўнг Ижрочи БУЮРТМАЧИГа топшириш-қабул қилиш далолатномаси, ҳамда илмий, техник хужжатлар, ҳамда Техник топшириқ ва Календар иш режада назарда тутилган бошқа хужжатлар илова қилинган ҳисоб-фактурани тақдим килади.

- 4.3 БУЮРТМАЧИ бажарилган оралиқ босқичларни учун норматив-тадқикот ишларини олганидан сўнг 5 кун ичida бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактурани расмийлаштиради, тўловни амалга оширади.

4.4 БҮЮРТМАЧИда норматив-тадқиқот ишларга нисбатан мuloҳазалар юзага келган тақдирда, ИЖРОЧИ билан биргалиқда кўриб чиқилади ва икки томонлама ҳужжат билан қўшимча қарорлар қабул қилинади. ИЖРОЧИ томонининг айби билан йўл қўйиладиган хатоликлар у томонидан қўшимча тўловларсиз бартараф этилади.

4.5 БҮЮРТМАЧИ томонидан бажарилган босқичлар бўйича ишлар учун тўлов, асосланмаган ҳолда кечикирилган тақдирда, ИЖРОЧИ кейинги ишларни тўхтатиб қўйишга ва ишларнинг кейинги босқичлари бўйича норматив-тадқиқот ишларни бермасликка ҳақли.

4.6 Агар ишларни бажариш жараённида салбий натижа олиш ёки ишларни кейинчалик амалга ошириш мақсадга мувофиқсиз ҳолатлари юзага келган тақдирда, Ижрочи уч кунлик муддат ичиде ёзма равища ишларнинг тўхтатиб турилиши ҳакида Буюртмачини огоҳлантириши керак. Бундай ҳолда, иккала томон ҳам ўн кунлик муддат ичиде ишларни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

БҮЮРТМАЧИнинг ишларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади, бажарилган ишлар ҳажми учун БҮЮРТМАЧИ ҳақ тўлаши лозим.

4.7 БҮЮРТМАЧИ томонидан бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисобфактура имзолangan сана норматив-тадқиқот ишларни бериш санаси ҳисобланади.

4.8 ИЖРОЧИнинг Буюртмачи объектларига хизмат сафарига юборилган ходимларининг хавфсизлиги учун жавобгарлик, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва норматив ҳужжатларга асосан БҮЮРТМАЧИга тадбиқ этилади.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

5.1 ИЖРОЧИ ишларни бажаришга фақат шартнома расмийлаштирилгандан ва БҮЮРТМАЧИ томонидан олдиндан тўлов ўтказилгандан сўнг киришади.

5.2 Шартномани расмийлаштириш кечикирилган, олдиндан тўлов келишилган муддатларда ўтказилмаган ҳолларда, ишларни бошлаш ва тугатиш саналари тегишли кундар микдорига ўзгартирилади.

5.3 БҮЮРТМАЧИ шартнома олган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичиде уни имзолайди ва бир нусхасини ИЖРОЧИга қайтариб беради.

5.4 ИЖРОЧИ шартномани Техник топшириққа биноан белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаши шарт. Ишларни бажариш муддатини бузилганлиги учун ИЖРОЧИ БҮЮРТМАЧИга ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятларни бажарилмаган қисми қийматининг 0,5 % микдорида пеня тўлайди, бунда пеня суммаси муддатида бажарилмаган ишлар қийматининг 20 % дан ошмаслиги керак.

5.5 Агар бажарилган ишлар Техник топшириққа ва шартномада белгиланган муддат ва сифат бўйича мажбурий шартларга мос келмаса, БҮЮРТМАЧИ норматив-тадқиқот ишларни қабул қилишдан ва тўлов тўлашдан бош тортишга, ҳамда ИЖРОЧИдан тегишли сифатга эга бўлмаган норматив-тадқиқот ишлар қийматининг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.6 БҮЮРТМАЧИ ёки ИЖРОЧИ, агар томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бузилишига йўл қўйган бўлса, бу ҳакида ёзма равища 5 кун аввал огоҳлантирган ҳолда, шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

5.7 Агар иш БҮЮРТМАЧИнинг айби билан тўхтатиб қўйилган бўлса, унда у БҮЮРТМАЧИ томонидан ушбу маҳсулот учун назарда тутилган рентабеллик даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий амалга оширилган харажатлар бўйича амалга оширилади.

5.8 Ишларнинг натижалари шартнома бўйича яратилган маҳсулотдан фойдаланиш ва бошқариш хукуки тегишли бўлган БҮЮРТМАЧИнинг мулки ҳисобланади. ИЖРОЧИ БҮЮРТМАЧИ билан келишилмаган ҳолда, яратилган маҳсулотни учинчи шахсларга беришга, сотишга ва фойдаланишга ҳақли эмас.

5.9 БҮЮРТМАЧИ ва ИЖРОЧИ технологик ва бошқа маълумотларни сақланишини таъминлайди.

5.10 Хукукий жиҳатдан ҳимоя қилиниши лозим бўлган илмий-техник маҳсулотлар яратилган тақдирда, патентга бўлган хукуқ БҮЮРТМАЧИга тегишли бўлади.

5.11 Томонлар ўртасида юзага келадиган барча низолар “Низони тартибга солиш даъво тартиби тўғрисидаги низом” га мувофиқ кўриб чиқилади. Ўзаро ечимларга эришилмаган тақдирда, низолар Даъвогар жойлашган жой бўйича Иқтисодиёт суди томонидан кўриб чиқилади.

5.12 Шартнома томонларнинг келишувига биноан ёки форс-мажор ҳолатлар туфайли ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

5.13 Шартнома ИЖРОЧИнинг айби билан бекор қилинган тақдирда, у БҮЮРТМАЧИга амалга оширилган олдиндан тўловнинг тўлиқ қийматини қайтариб бериши керак.

5.14 Ушбу шартнома шартларида кўзда тутилмаган барча ҳолатларда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий фаолияти тўғрисида” ги Қонуни ва Фуқаролик Кодекси бўйича жавобгар бўладилар.

5.15 Шартнома амал қилиш муддатининг тугаши томонларни унинг бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

5.16 Шартнома шартларининг ўзгариши шартнома бўйича икки томонлама қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

5.17 Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

5.18 Шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2023 йилгача амал қиласди.

## 6. Коррупцияга қарши қурашиш

6.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши қурашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлади.

6.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равища (электрон почта орқали: anticorruption@uzbekgeofizika.uz) ёки ишонч телефони (71-264-84-05) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хукуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнода тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

6.3. Мазкур банднинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хукуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

6.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлами бекор қилиниши оқибатида кўрилган заарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

## 7. Шартномага илова.

Иловалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади:

7.1 1-илова. «Техник топшириқ».

7.2 2-илова «Календар иш режаси».

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

### 8.1 «БУЮРТМАЧИ»

«O'ZBEKGEOFIZIKA»  
AKSIYADORLIK JAMIYATI  
TOSHKENT SHAHAR, M.ULUG'BEK TUMANI,  
GEOFIZIKA MFY, BUYUK KELAJAK 5  
**H/R: 2021 0000 4004 9502 6001**  
«Garant bank» AJ Amaliyot boshqarmasi  
MFO: 00439, INN: 201 577 724, OKED: 71120

### 7.2 «ИЖРОЧИ»

«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ  
Манзил: Toshkent sh, Yakkasaroy tumani,  
SH. Rustaveli №8, tel : (93) 597-99-93,  
**X/P: 2020 8000 5052 4516 4003,**  
“O'ZSANOATQURILISHBANK”  
АТБ Яшнаобад филиали,  
МФО: 00440, ИНН: 307 513 867,  
ОКЭД: 71120.

### «БУЮРТМАЧИ»

«UZBEKGEOFIZIKA» AJ

Бошқарув раиси

Р.А.Юсупжонов  
2022 й.



### «ИЖРОЧИ»

«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ

Директори

И.У.Жумаев  
2022 й.  
М.Ў.



«27» декабрь 2022-й.  
№50/2022-сонли  
шартномага  
№1- илова

«O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT GEOLOGIYA VA  
MINERAL RESURSLAR QO'MITASI»  
«UZBEKGEOFIZIKA» AJ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«UZBEKGEOFIZIKA» AJ

Бошкарув раиси



Р.А.Юсупжанов

«Автотранспорт воситалари, маҳсус техника, ускуна ва механизмларга  
вақтнчалик ёқилги сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш»  
мавзуси бўйича ишларни бажариш учун  
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

« \_\_\_\_\_ »

2022 йилдаги №50/2022-сонли Шартнома

Топшириқ берилди:

«UZBEKGEOFIZIKA» AJ  
Бош механик


Н.Э.Одилов

Топшириқ қабул қилинди:

«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ  
Директор Ҳуринбосари

А.Ж.Баратов

Тошкент шахри – 2022 йил.



## **1. Шартномани тузиш учун асос.**

«Автотранспорт, маҳсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрларини ишлаб чиқиши» мавзуси бўйича шартномани тузиш учун асос: «UZBEKGEOFIZIKA» AJ нинг (Лот № 176574) 2022 йил 29 ноябрь кунги баённомаси ва ЎзР “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади.

## **2. Ишларни бажариш учун мақсад ва бошлангич маълумотлар.**

2.1 Ишларнинг мақсади – автотранспорт, маҳсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғининг илмий-асосланган сарфи меъёрларини ишлаб чиқиши ҳисобланади.

2.2 Ишларни бажариш учун бошлангич маълумотлар NGH 39.0-261: 2021 «Моддий-техник ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамкор ва оқилона фойдаланиш бўйича ишларни ташкил қилиш» соҳа стандарти, ҳамда автотранспорт, маҳсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи ҳақиқий ўлчовлари маълумотлари.

**71 дона автотранспорт, маҳсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрларини ишлаб чиқилади.**

## **3. Ишнинг асосий мазмуни.**

3.1 Ўзига хос иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, инструктив-услубий хужжатлар бўйича автотранспорт, маҳсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғининг илмий-асосланган сарфи меъёрлари ишлаб чиқиши.


2.2 Меъёрлар лойиҳалари белгиланган тартибда келишилади ва тасдиқланади.

## **4. Иқтисодий кўрсатгичлар.**

Ишлаб чиқаришда жорий этилган ишлаб чиқилган меъёрлар ёқилғидан оқилона фойдаланишга, якуний ҳисобда эса ишлар маҳсулотининг таннархини пасайтиришга олиб келади.

## **5. Ишларни топшириш шакллари.**

Ишлар якунланганда «Ижрочи» «Буюртмачи» га қоғоз шаклида 1 нусхада шартнома мавзуси бўйича тасдиқланган вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрларини тақдим қиласи.



«27» декабрь 2022-й.  
№50/2022-сонли  
шартномага  
№2-илова

**КАЛЕНДАР ИШ РЕЖАСИ**  
**«Автотранспорт, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрларини ишлаб чиқиши» мавзуси бўйича**  
 «      » 2022 йилдаги 50/2022-сонли Шартнома

Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг номи	Бажариш муддати, Ой, йил, кун	Ишларнинг ҳисоб-китоб ҳажми, сум % ҳажмга	Бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш шакли
1	2	3	4
<p><b>1. Босқич:</b> Автотранспорт, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш учун бошлангич маълумотларни йиғиш ва ёқилғи меъёрий сарфини ўлчов-хронометраж ишларини ўтказиш.</p> <p>Автотранспорт, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрий хужжатини ишлаб чиқиш.</p> <p>«UZBEKGEOFIZIKA» AJ (3D Каражар)          «Ustyurt geofizika ekspeditsiyasi» филиали</p>	<u>иш бошланган</u> <u>кундан</u> <u>бошлаб</u> <u>50 кун</u>	<u>87 500 000</u> <u>100,0</u>	<p>КЕЛИШИЛГАН          автотранспорт, махсус          техника, ускуна ва          механизмларга          вақтингчалик ёқилғи          сарф меъёрлари.</p>
<p><b>2. Босқич:</b> Автотранспорт, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш учун бошлангич маълумотларни йиғиш ва ёқилғи меъёрий сарфини ўлчов-хронометраж ишларини ўтказиш.</p> <p>Автотранспорт, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрий хужжатини ишлаб чиқиш.</p> <p>«Farg’ona geofizika ekspeditsiyasi» филиали</p>			
<p><b>3. Босқич:</b> Автотранспорт, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш учун бошлангич маълумотларни йиғиш ва ёқилғи меъёрий сарфини ўлчов-хронометраж ишларини ўтказиш.</p> <p>Автотранспорт, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтингчалик ёқилғи сарфи меъёрий хужжатини ишлаб чиқиш.</p> <p>«Amirobod kon-geofizika ekspeditsiyasi» филиали          «Buxoro geofizika ekspeditsiyasi» филиали</p>			
<p>Шартнома бўйича жами</p> <p>КҚС</p>		<u>87 500 000</u> <u>100,0</u>  <u>11 413 043</u> <u>15,0</u>	

«БУЮРТМАЧИ» томонидан  
 «UZBEKGEOFIZIKA» AJ  
 Бош механик

Н.Э.Одилов

«ИЖРОЧИ» томонидан  
 «ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ  
 Директор йўринбосари

А.Ж.Баратов